

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
ТОМ 7, НОМЕР 1

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY
VOLUME 7, ISSUE 1



ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ | INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2023-4>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Аскарлов Аброр Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ EDITORIAL BOARD РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Джораев Мухамматрасул
педагогика фанлари доктори, профессор

Тўракулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
педагогика фанлари доктори

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори

Мусинова Рухсона Юнусовна
PhD, доцент

Аюпова Мукаррам
педагогика фанлари номзоди, профессор

Джумаев Маманазар Иргашевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори

Асилова Гулшан Асадовна
Педагогика фанлари доктори, доцент

Айрапетова Алёна Геннадьевна
психология фанлари доктори (DSc)

Саипова Малоҳат Латиповна
*психология фанлари бўйича фалсафа
доктори*

Ҳажиева Ирода Адамбаевна
филология фанлари номзоди, доцент


Азимова Насиба Эргашовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Ахмедова Зебинисо Азизовна
фалсафа фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ISSN: 2181-9513

www.tadqiqot.uz


JOURNAL OF

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР | ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

Эшмаматов Исмоил Абдусаломович,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
Лапасов Улуғбек Лутфиллаевич,
Олий таълим тизими кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
мустақил изланувчиси
Анваров Жаҳонгир Абралович
Тошкент тиббиёт академияси

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ БУГУНГИ ДАВР ТАЛАБИ**

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари, жумладан масофавий таълим, вебинар технологиялари, автоматлашган мониторинг, электрон портфолио ахборот тизимлари жорий этилмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: малака ошириш, қайта тайёрлаш, раҳбар ва педагог кадрлар, олий таълим тизими.

Эшмаматов Исмоил Абдусаломович,
Министерство высшего образования, науки и инноваций
Лапасов Улуғбек Лутфиллаевич,
Свободный соискатель Института переподготовки и
повышения квалификации кадров системы высшего образования
Анваров Жаҳонгир Абралович
Ташкентская медицинская академия

**АКТУАЛЬНОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ КАДРОВ В СИСТЕМЕ
ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И РЕФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ИХ
ПЕРЕПОДГОТОВКИ****АННОТАЦИЯ**

В последние годы создаются широкие возможности для развития профессиональных знаний, квалификации и навыков руководящих и педагогических кадров высших

образовательных учреждений. В учебный процесс курсов переподготовки и повышения квалификации внедряются современные формы и технологии обучения, в том числе дистанционное обучение, вебинарные технологии, автоматизированный мониторинг, информационные системы электронного портфолио. В данной статье представлена информация о системе переподготовки и повышения квалификации исходя из задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5789 «О внедрении системы непрерывного повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений».

Ключевые слова: повышение квалификации, переподготовка, руководящие и педагогические кадры, система высшего образования.

Eshmamatov Ismoil Abdusalomovich,
Ministry of Higher Education, Science and Innovation
Lapasov Ulugbek Lutfillaevich,
Researcher, Institute of retraining and advanced training
of personnel of the higher education system
Anvarov Jakhongir Abralovich
Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

THE RELEVANCE OF UPGRADING THE QUALIFICATIONS OF PERSONNEL IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM AND REFORMING THE SYSTEM OF THEIR RETRAINING

ANNOTATION

In recent years, ample opportunities have been created for the development of professional knowledge, qualifications, and skills of leading (managing) and teaching staff in higher educational institutions. Modern forms and technologies of training are being introduced into the educational process for retraining and advanced training courses. These include distance learning, webinar technologies, automated monitoring, and electronic portfolio information systems. This article provides information about the system of retraining and advanced training based on the tasks defined in Decree No.-5789 of the President of the Republic of Uzbekistan titled “On the implementation of a system of continuous professional development for management and teaching staff in higher educational institutions”.

Key words: advanced training, retraining, leading and teaching staff, higher education system.

Барчамизга маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида жуда улкан ривожланишлар кузатилмоқда. Шу жумладан, олий таълим тизимида ҳам бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, малакали кадрлар тайёрлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Олий таълим тизимининг юқори босқичларидан бири ҳисобланиб, ҳозирда уни ислоҳ қилиш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш пировард мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий қилиш, мутахассислар тайёрлаш, олий таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йилнинг 27 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони, ҳамда шу йилнинг 23 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-797-сон Қарорининг

имзоланиши фикримизнинг далилидир. Бу Фармон ва Қарорнинг бош мақсади малака ошириш тизимида таълим сифатини кўтариш ва уни тубдан ислоҳ қилишдир.

Ушбу Қарорнинг қабул қилиниши замирида олий таълим раҳбари ва педагог кадрлари малакасини оширишнинг амалдаги тартиби самараси паст бўлганлиги, кўп ресурс сарфлашни талаб этаётгани ҳамда замонавий талабларга жавоб бермаётганлиги, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, бу тизимга янгидан ёндашиш масаласи ётади. Ўқитувчиларнинг ўз устида доимий ишламаганлиги, билими, педагогик кўникмаси ва маҳоратининг пастлиги, инновацион таълим технологияларидан фойдаланмаганлиги талабалар билимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигига олиб келади. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда олий таълим муассасалари педагогларининг касбий эҳтиёжларини аниқлаш ва уларнинг малакасини оширишга дифференциал ёндашув долзарб муаммо сифатида қаралмоқда. Бундай муаммоларни ҳал этиш ўз навбатида малака оширишнинг самарали тизимини яратишни тақозо этади. Ушбу Қарор бу муаммоларнинг ечимини топишда дастурамал бўлиб хизмат қилади деб умид қиламиз.

Қарорда айтилишича, 2019 йилнинг 1 октябридан олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизими амалиётга жорий этилади. Икки ой муддатда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида профессор-ўқитувчиларнинг белгиланган сонидан келиб чиқиб, камида 3 та штат бирлигидан иборат “Таълим технологиялари” кафедраси ташкил этиш, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари тузилмасига халқаро ҳамкорлик бўйича мутахассис лавозими киритиш масалалари ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида 4 та штат бирлигидан иборат юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Балиқчилик йўналиши кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази”нинг фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар 2019 йил 1 октябрдан бошлаб раҳбар ва педагог кадрларнинг ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини инобатга оладиган, уларга мунтазам равишда касбий ўзини ўзи ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга жорий этиш бўйича ташкилий-методик тайёргарликни амалга ошириши, ўқув режалари ва дастурлари мазмунини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагог кадрлар малакасини оширишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, минтақавий ва тармоқ марказлари тингловчиларининг халқаро илмий маълумотлар базасидан кенг фойдаланишлари учун зарур шароитларни яратиш, минтақавий ва тармоқ марказларини хорижий нашрлар, замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан мунтазам таъминлаб бориш, шунингдек, курсларнинг ўқув-услубий таъминотини доимий янгиллаб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Бу ўз навбатида республикамизда олиб борилаётган таълим сиёсати хусусан, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида юксак салоҳиятли бугунги замон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрларни шакллантиришда муҳим ҳисобланади.

Мазкур Қарор олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини кўтаришга хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли томони раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида самарали дарс бераётган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассислар фаолияти таҳлил этиб, уларга базавий лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этилган малакали профессор-ўқитувчиларга

соатбай ҳақ тўлаш миқдорининг 20 фоизгача кўпайтирилиши белгиланган. Раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш асосида ишлаб топган бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ушбу марказлар ходимлари лавозим маошларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра 200 фоизгача устама ҳақ тўлаш кўрсатиб ўтилган.

Маълумки жаҳон тажрибасида масофавий таълим жараёни салмоқли ўрин тутди. Педагог кадрларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида пенсия ёшидаги, уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар ҳамда ногиронлиги бўлган раҳбар ва педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишини масофавий шаклда ташкил этиш бунга ёрқин мисол бўлади.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари тузилмасига халқаро ҳамкорлик бўйича мутахассис лавозимини киритиш тўғрисидаги таклиф – бу тизимга бўлган эътиборнинг нақадар зарурлиги ва аҳамиятини ўзида акс эттириб турибди.

Шу ўринда хулоса қилиб айтиш мумкинки, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бугунги кун талабидан келиб чиқиб, тубдан ислоҳ қилишни талаб этади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан” деган фикрлари ҳеч бир педагогни бефарқ қолдирмайди. Биз ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялаш, бугунги кун талабларига мос кадрларни етиштиришни истар эканмиз, аввало ислохотни ўзимиздан бошламоғимиз керак. Ишонамизки, кун келиб олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни;
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагогик кадрларнинг тайёрловчи олий таълим муассасаларини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-289-сон Қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 797-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

8. Акмалов А. Педагог кадрлар малакасини оширишга демократик ва либераллашган ёндошув // *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, vol. 2, no. 5, 2022, pp. 977-983.
9. Тайлаков Н.И., Тайлакова Д.Н., Низомхонов С.Э. Халқ таълими ходимлари масофавий малакасини оширишнинг электрон тизими ва уни такомиллаштириш муаммолари // *Современное образование (Узбекистан)*, №. 3, 2015, С. 55-62.
10. Каримов К.А. Професионал таълим тизими раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш тизимининг инновацион ва ташкилий-дидактик тамойиллари // *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, vol. 2, no. 5, 2022, pp. 521-526.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
ТОМ 7, НОМЕР 1

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY
VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000